



ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Жумаева Мақсуда Бекмуротовна¹, Раҳимов Баҳромжон

Қахрамон ўғли², Абдуллаев Аслиддин Наби ўғли³,

Холмуродов Шермат Жураевич⁴

¹Магистрант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

²Магистрант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

³Магистрант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

⁴Магистрант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5574407>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021

Ma'qullandi: 10- oktabr 2021

Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Электрон ҳукумат,
давлат хизматлари,
онлайн мурожаат,
рақамли иқтисодиёт.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада электрон давлат хизматларининг аҳамияти, ундан фойдаланиш, жамият ҳаёти ва иқтисодиётга таъсири ҳақида сўз юритилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон давлат хизматларини жадаллик билан ривожлантириш, жамият ҳаёти ва давлат иқтисодиёти учун жуда зарур ҳисобланади. Бу борада реал муаммолар, кўплаб ташкилотларда кераксиз қоғозбозликлар мавжудлигини ҳисобга олсак, давлат бошқарув идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади. Рақамли технологияларнинг кенг тартибда жорий этилиши, ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштирувчи чора ҳисобланади.

2015 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда электрон ҳукумат жорий қилинишининг ҳуқуқий асосини яратиб берди(1). Ушбу қонун орқали давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти, шунингдек идораларо электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора тадбирлар



расмий изоҳланди ва қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берилди:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;
- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;
- ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари портални ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш;
- тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

- нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш.

Рақамли иқтисодиёт ва Электрон ҳукуматни кенг жорий этиш билан боғлиқ жараёнлар давлат хизматларини ривожлантиришни талаб қилади. Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сони эса кун сайин ортиб бормоқда. Бунга сабаб сифатида электрон хизматлардан онлайн фойдалана олиш, вақтни тежаш, тўловларда имтиёзлар ва яна кўплаб қулайликларни мисол сифатида келтириш мумкин. Илгари фуқаролар бирон давлат хизматидан фойдаланмоқчи бўлса, идорама-идора юришига тўғри келарди, лекин бугунги кунда электрон – онлайн тарзда фойдаланиш орқали электрон ҳукумат хизматлари ёрдамида маълумотларни уйда ўтирган ҳолда ёки мобил илова воситасида олиш имконияти мавжуд. Вазирлик, идора ва ташкилотлар ўзининг рақамлаштириш даражаси юқори бўлишига эътибор қаратиши орқали электрон ҳукуматнинг тўлақонли фаолият юритишига эришилади.



2021 йил учун Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан жуда кўплаб вазифалар режалаштирилган. Хусусан:

- доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш;
- бакалаврият ва магистратура йўналишларига онлайн хужжат топшириш;
- автотранспорт воситаларини онлайн рўйхатдан ўтказиш;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги каби соҳаларда давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатиш.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан:

- 2018 йилда — 38 700 киши;
- 2019 йилда — 77 400 киши;
- 2020 йилда — 380 000 киши фойдаланган¹.

Дунё тажрибасидан ҳам маълумки, инсон омилисиз хужжатлар ҳаракатланиши учун, давлат идоралари ўзаро интеграциялашуви лозим. Бундай тизимни жорий этишда, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, фойдаланиши ва улар томонидан

қўллаб-қувватланиш имкониятларига эътибор қаратган ҳолда муваффақиятга эришиш мумкин. Бундан ташқари тегишли маълумотларни ҳимоялаш, уларнинг конфиденциаллигини таъминлаш, фойдаланишга бўлган қизиқишларини ошириш, хизматларни осон тарзда тақдим этиш, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш каби жиҳатлар инobatга олинса, аҳолининг электрон давлат хизматларига бўлган ишончи ортади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, интерактив давлат хизматларининг ошиб бориши, уларнинг амалдаги тадбиқи, жорий этиш бўйича меъерий тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳукм сураётган бозор иқтисодиёти шароитида рақобат мунтазам кучайишига, давлат бошқарув идоралари фаолиятидаги интерактив хизматларда шаффофликни таъминлашга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига асос бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2833860>
2. <https://en.wikipedia.org/wiki/E-government>
3. <https://my.gov.uz/uz>

¹ <https://www.xabar.uz/tehnologiya/elektron-hukumat-2021-yilda-siz-kutgan>